

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

Қонунчиликдаги  
янгиликлар

## МИНТАҚАЛАРДАГИ МУАММОЛАР

Қонунчилик палатаси депутатлари билан уларнинг ўз сайлов округлари бўйлаб қилган сафарлари якунларига оид интервьюларни эълон қилишда давом этамиз\*. Депутатликка хос одатий ишлар, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, минтақалардаги долзарб муаммоларни аниқлашдан ташқари улар бу сафар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, овул, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинларидаги ишларнинг аҳолини ўргандилар.

### МАҲАЛЛАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ДОИРАСИ КЕНГАЙСА

Дилбар **ХОЛИҚОВА**,  
Ахборот ва коммуникация техно-  
логиялари масалалари қўмитаси  
аъзоси

(ХДП партияси фракцияси аъзоси,  
Наманган вилоятининг Чортоқ ва Уйчи  
туманларидан ҳамда Наманган  
шаҳрининг бир қисминдан ташкил  
топган Чортоқ сайлов округидан):



– Сайлов округимдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намояндалари билан учрашув асосида қуйидаги муаммони алоҳида қайд этиб кўйдим: округдаги фуқароларнинг 62 та йиғинидан олтитада штат рўйхатига кирувчи раис (оқсоқол) йўқ, чунки ана шу олтита аҳоли пунктнинг ҳар бирида яшайдиган оилалар сони 500 тага бормас экан. Баъзи оқсоқоллар бундай йиғинларда ишни жамоатчилик асосида адо этмоқдалар. Аммо ҳамонки улар маош олмаётган экан, зиммадаги иш юзасидан чинакам масъулиятни сезмоқдалар дейиш ҳам қийин.

Аҳоли унча зич бўлмаган ёки шаҳарча, қишлоқ ва овуллардан олисроқда жойлашган каттароқ ҳудудлар учун фуқаролар йиғинлари штатини шакллантиришда бошқачароқ мезон жорий этиш, бинобарин штатни аҳоли сонига қараб эмас, балки аҳоли пунктдан олис ва ажралиб турганлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб белгилаш, менимча, мақсадга мувофиқ кўрилади. Маҳалланинг улкан аҳамиятини аниқ ҳис этиб, унинг давлат билан халқ ўртасида боғловчи бўлин, муҳим восита эканлигини тўлиқ тушунган эканмиз, баъзи масалаларда одамларга ортиқча мураккабликлар туғдирмаслик учун эътиборлироқ,

ўрни келганда муросазорроқ бўлиш керак. Бунинг устига қишлоқ фуқаролар йиғинлари аввалбошданок шаҳарлардаги фуқаролар йиғинларидан сон жиҳатидан кўпдир. Шаҳарлардаги фуқаролар йиғинлари ҳар қалай техника, компьютер, принтерлар билан озми-кўпми таъминланган... Олис жойлардаги ҳамма йиғинларда ҳам бундай техника бор деб бўлмайди.

– **Йиғин моддий базасини мустақамлаш муаммосини маҳалла қай йўсинда ҳал этиши мумкин?**

– Маҳаллада бундай имкониятлар бор. Гапнинг рости, бор қонун ҳужжатларимизни ҳам баъзан яхши билмаймиз, уни тўғри тушуниш ва тўғри бажаришда ҳам хатога йўл қўйиладиган ҳоллар учраб туради. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг\*\* 24-моддасида айтилишича, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси уларнинг ўз маблағларидан, белгиланган тартибда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги хайрияларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан таркиб топади. Ана шу ихтиёрийлик асосидаги хайриялар ёки биз кўпроқ ҳомийлик маблағлари деб атайдиган маблағлар баъзан каттагина суммани ташкил этади. Айтилик, умумхалқ хашарлари ўтказилган кунларда нимаки йиғилса ҳаммаси «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бошқармасида жам бўлади. Бу маблағлар туман бўлимлари бўйича тақсимланади, туман бўғинидагилар эса ўз навбатида маҳалла фуқаролар йиғинларига шу пуллар билан ёрдам беришади. Идора учун техника (компьютерлар, принтерлар, алоқа воситалари), мебель ажратилди, коммунал хизматлар ҳақини тўлайдилар ёки газетгага обуна харажатларини кўтардилар. Тўғри, йиғин раислари баъзан бундай ёрдам ҳамisha ҳам бўлавермайди ёки берилаётган ёрдам етарли эмас, қолаверса бу тахлит кўмак мунтазам кўрсатилмайди ҳам деб нолиб кўйдилар. Аммо шундай ёрдамнинг ўзи ўрни бор.

Ана шу йўллар билан келиб тушаётган ҳомийлик маблағларини улар «Маҳалла» жамғармасининг уставига белгиланган вазифаларини ҳал этишгагина эмас, балки муайян фуқаролар йиғинларининг моддий базаси ва молиявий имкониятларини мустақамлашга сарфланишини кўзлаган ҳолда қайта тақсимлашнинг янада аниқ ва очиқ-ошкора ҳуқуқий механизми зарур. Айниқса олис қишлоқлар ва овуллар учун бу жуда ҳам керак.

Бундай механизмга бошқа ҳолларда ҳам зарурат сезилмоқда. Масалан, «Фу-

қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида фуқаролар йиғини кенгаши коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан биргаликда коммунал хизматлар ҳақи ҳамда мажбурий бадаллар тўлаш тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини ташкил этади ҳамда назорат қилиб боради дейилган. Ана шу ишдаги ёрдам учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобига ўтказиладиган маблағлардан мазкур йиғин кам таъминланган оилаларга уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам қилишда, йиғин ходимларини рағбатлантиришда, ободонлаштириш ишларини ўтказишда фойдаланиши мумкин. Оз бўлса ҳам ҳар қалай бу – ёрдам: аргамчига қил қувват деб бежиз айтилмаган ахир?!

Маҳалла фуқаролар йиғинлари баъзан ўз вазифаларини номи юқорида зикр этилган Қонунга мувофиқ равишда амалга оширсалар-да, бунинг қонуний асосдаги молиявий самарасини кўрмаётганликларидан ёки бундай самара тилга олгудек эмаслигидан шикоят қилиб қоладилар. Демак, амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур масалада тегишли органлар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари олдидagi жавобгарлигини назарда тутувчи нормалар киритиш зарур.

Назаримда, касаначиликни йўлга қўйиш орқали аҳолининг бандлиги ҳамда янги иш жойларини барпо этиш масалаларида маҳалланинг ваколат ҳамда вазифаларини кенгайтириш зарур. Одатда, бу вазифалар йирик корхоналар билан кооперациялашув ёки шунга ўхшаш бошқа усуллар билан ҳал этилади. Лекин бошқа йўллар ҳам йўқ эмас, шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш зарур... Масалан, ёш болали аёллар корхона ва муассасаларда вақтинча ишлаш олмайдилар (бундай аёллар орасида ўрта тиббий ва педагогик маълумотлилар ҳам бор). Хўш, нима сабабдан фуқаролар йиғинларига ана шундай аёллар учун маҳалланинг ўзида, айтилик, тиббий ҳамшира ёки мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси сифатида ишлашлари учун соғлиқни сақлаш ва халқ таълимининг тегишли муассасалари билан шартнома асосида касаначилик асосида иш жойлари барпо этиш ҳуқуқини бермаслик керак?! Тиббий ҳамшира фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, зарурат бўлганда участка шифокори ёзиб берган рецепт асосида укол қилиши мумкин-ку, ахир?! Шунингдек у санитария бўйича, турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари ҳам олиб бора олади. Маҳалладаги мактабгача тарбия соҳаси бўйича тарбиячилар ҳам тегишли йўналишда худди шундай иш олиб боришлари мумкин. Қишлоқ туманларида бунга зарурат бор. Уларнинг таъминоти учун қўшимча пулларни эса маҳалла аҳлининг бадаллари доирасида ҳал этиш мумкин бўларди...

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.porma.uz](http://www.porma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.



### АРХИВ ИШЛАРИ

2010 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги ЎРҚ-252-сон Қонуни қабул қилинган бўлиб, унда архив иши соҳасидаги давлат бошқаруви, архивларни ташкил қилиш, миллий архив фондига архив ҳужжатларини киритиш ва ундан чиқариш, уларни жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалалари ва бошқа масалалар тартибга солинган. Чунончи, архивлар давлат ва нодавлат архивларидан иборат бўлиши мумкин. Уларни ташкил этиш учун моддий-техник база, шу жумладан, архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш талабларига жавоб берадиган бино (хоналар), зарур жиҳозлар, муҳофаза воситалари ҳамда ёнгинага қарши воситалар бўлиши шарт.

Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш мумкин эмас. Унинг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган ҳужжатлар эса фақат «Ўзархив» агентлигининг рухсатига биноан тасарруфдан чиқарилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибда ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Қонун билан Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддатлари белгиланган. Мисол учун, устав фондида давлат улуши бўлган, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, бошқа ташкилотларнинг архив ҳужжатлари – 10 йил; илмий, технологик, конструкторлик ва патент ҳужжатлари – 20 йил; капитал курилиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари – 25 йил; телеметрик ҳужжатлар – 5 йил мобайнида; овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари – тайёрланган вақтидан бошлаб 3 йилдан ошмаган муддат мобайнида; машинада ўқиладиган ҳужжатлар – 5 йил мобайнида сақланиши керак. Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддатлари ўтгач улар белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

Қонун 2010 йил 16 июнда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

\*Боши «Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 29 июндаги 26 (259)-сониди.  
\*\*1999 йил 14 апрелдаги 758-1-сон Қонун.

УШБУ  
СОҒДА

1-2-бетлар

Депутатлар  
жойларда бўлдилар...

\$1 = 1600,58 сўм

1-4-бетлар

Қонун ҳужжатларига  
қисқа шарҳ

€ 1 = 2016,99 сўм

4-бет

Юрист маслаҳати

£1 = 2405,19 сўм

5-6-бетлар

Ўқитувчиларга  
қўлланма

¥10 = 179,70 сўм

1-бетда

## МИНТАҚАЛАРДАГИ МУАММОЛАР

### РАИС ЗИММАСИДАГИ ФЕРМЕРЛИК ТАШВИШЛАРИ

**Шароф АМОНОВ,**  
Саноат, қурилиш  
ва савдо масалалари қўмитаси  
аъзоси  
(ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси,  
Бухоро вилоятининг  
Пешку туманидан  
ва Ромитан туманининг  
бир қисмидан ташкил топган  
Ибн Сино сайлов округидан):



– Сайлов округимдагилар электр энергияси ва газ таъминотидаги беқарорликдан кўп шикоят қилишди. Бундай энергия ва газ етказиб берувчилар эса истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзлари ўсгандан ўсиб бораётганлигини жиғибийронлик билан айтишди. Бу муаммо янги эмаслиги рост. Яна энергетика мажмуи мутахассисларини йиғиб, масаланинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз... Аслида соҳадаги жамики муаммоларнинг сабаби ҳисобот ва назорат етарли эмаслигида, минтақалардаги истеъмолчиларда ҳисоблагич асбоблари йўқлигидадир. Ҳозир ўрнатилган ҳисоблагичлар, очиғини айтганда, етарлича пишиқ-пухта эмас, тез ишдан чиқади. Бундан ташқари, «Ўзстандарт» талабига кўра ҳисоблагичлар ўрнатилганидан кейин бир ярим-икки йил ўтгач, мажбурий лаборатория метрологик текширувдан ўтказилмоғи лозим. Хўш, бу иш кимнинг ҳисобидан амалга оширилиши керак? Истеъмолчиларнинг ҳисобидан амалга оширилиши лозим деган гапга ҳамма ҳам рози деб бўлавермайди. Иккинчидан, бундай лабораториялар баъзи жойларда бор, бошқаларида йўқ... Қолаверса, истеъмолчилар ҳисоблагичлар ўрнатилганидан кейин ҳар бир-икки йилда уларни лабораторияларга олиб боришга ҳам вақт, ҳам пул кетади деган хавфда.

Сайловчиларим қишлоқ фуқаролар йиғинлари учун долзарб бир муаммони кўтардилар. Қонунларда бундай йиғин фаоллари ёки йиғин кенгаши учун талайгина мажбуриятлар ва тегишли ваколатлар назарда тутилган, устига-устак қишлоқ минтақаларида маҳаллий ҳокимият органлари уларнинг зиммасига қонунда назарда тутилмаган қўшимча мажбуриятлар – турли қишлоқ хўжалиги юмушларини ташкил этиш, уларни бажаришга иш кучларини сифарбар этиш ва шу сингари вазифаларни юклайдилар. Баъзи оқсоқоллар амалда фермерларга айланиб қолаётганликларидан ўқсинганларича бор.

Моҳиятан олганда, йиғин раисига ҳос бўлмаган, уларни асосий ишидан чалғитадиган, қонунда назарда тутилган ижтимоий вазифаларни бажаришларига ҳалақит берадиган ишлардир булар. Йиғин раислари ўзларини қўшимча вазифалардан имкон қадар озод этишни, бордию бу иш чиндан ҳам зарур бўлса, қонунчилик тартибида масалани тартибга солишни сўрамоқдалар.

### РЕЖАСИЗ ИШ КЕЛТИРАР КЎПИНЧА ТАШВИШ

**Клара ЖУМАМУРОТОВА,**  
Саноат, қурилиш ва савдо  
масалалари қўмитаси аъзоси  
(ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси,  
Хоразм вилоятининг  
Урганч шаҳридан  
ва Урганч туманининг  
бир қисмидан ташкил топган  
Урганч сайлов округидан):

– Шу округдан сурункасига иккинчи марта сайланишим. Сайловчилар хузурига шу галги боришимда ўзим учун муҳим бир нарсани ҳис этдим: илгари одамлар депутатлар билан учрашувга ўз дарди, ташвиши, шахсий муаммоларини баён этиш учун келган бўлсалар, бу гал ўртага ташланган масалаларнинг аксарияти турли ташкилотларга, маҳаллаларга ва шаҳарга тааллуқли муаммолар билан боғлиқ эди. Одамлар ўзларини ташвишлантираётган масалалар ҳақида шунчаки гапириш билан чекланмай, норматив ҳужжатларнинг уларнинг фикрича, ўзгартишлар киритиш жоиз бўлган аниқ моддаларини ҳам рўй-рост айтмоқдалар. Бундан хурсанд бўласан киши. Негаки бу ҳол аҳолида фуқаролик онги ва кейинги пайларда кўп бора айтилаётган ҳуқуқий маданият ортиб бораётганлигини далолат беради. Айни чоғда бу – фуқароларнинг ўзлари яшаётган минтақадаги вазиятга ва либераллаштириш жараёнларига онгли муносабатини, илгарилари долзарб деб қараб келинган маиший йўналишдаги бир қанча муаммолар долзарблигини йўқотганлигини, шунингдек барча даражадаги депутатлар – вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сезиларли даражада фаоллашганлигини кўрсатади. Аҳолимизда ташаббус кўрина бошлади. Муаммони ҳал этишнинг ана шу воситасидан қонунчилик даражасида фойдаланиш фурсати келди. Бу зўр иш!

– **Урганчликлар ва шаҳар атрофи аҳолиси учун қайси муаммолар долзарб ҳисобланади?**

– Ўтган йилнинг октябрь ойида Қонунчилик палатаси Иш жойлари барпо этиш ва аҳолини иш билан таъминлашнинг 2010 йилга мўлжалланган дастурини\*\*\* тасдиқлаганди. Мен бунда бир нарсага эътибор берилишини истардим. Бизнинг минтақада Дастур кўрсаткичлари бажарилди, умумий рақамларга кўра ҳатто ортиғи билан бажарилди. Лекин Дастур аниқ белгиланган манзил бўйича рўёбга чиқарилди дея олмайман. Иш жойлари барпо этилгани рост, аммо улар режалаштирилган корхоналарда барпо этилмаганлиги ҳам сир эмас.



Бу эса одамлар учун муаммо. Бир тарафдан қараганда, аҳоли иш жойлари билан керагидан ҳам ортиқча таъмин этилгандай, бошқа тарафдан олганда Дастур ижросини назорат қилувчи амалдорнинг белгиланганидек бўлишини талаб қилиши ўринли бўлса-да, ҳужжатни амалга татиқ этишда вазиятга «мослашувчан» тарзда ёндашилганлигини тан олмаслигига бир нарса деб бўлмайди...

– **Режага номувофиқликда ҳам муайян маъно бордек... Дастур деганлари қоғоздаги режа, амалиёт, унга ҳаёт ҳамиша ўз тузатишларини киритиши мумкин.**

– Дарҳақиқат, мен буни нормал ҳол деб ҳисоблайман. Ҳеч кимни бунда мажбурлаб бўлмайди. Зотан бизнес деганлари, таъбир жоиз бўлса, тирик организм, ҳамма нарса ҳам унга салбий оқибатларсиз сингишиб кетавермайди. Энг асосийси – умуман олганда кўрсаткичларга риоя этилган. Майда тафсилотларини эса жойлардаги ишчи комиссиялари минтақавий вазият, манфаатлар ва талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб, белгилаб олмоғи керак. Келгусида шунга ўхшаш дастурларни ишлаб чиқишда буни эътиборга олиш, ўрни келганда мослашувчанлик воситасидан фойдаланилишини назарда тутиш керак.

– **Урганч аҳолини яна қандай муаммолар ташвишлантирмоқда?**

– Энг аввало электр энергияси таъминотидаги беқарорлик ташвишлантирмоқда. Бу масала мана неча йилдирки, кун тартибидан – ўз ечимини кутиб турибди. Бу сафар ҳам деярли ҳамма ерда одамлар шу муаммони тилга олдилар.

Муаммо икки тарафлама эканлигини айтиш жоиз. Туман аҳолиси электр энергияси йўқлигидан нолишади, шаҳар электр тармоғи раҳбарлари эса истеъмолчиларнинг қарзи борлигини, тўловдаги турғунсизликни рўқач қилишади. Муаммо айниқса қишлоқ-қировли кунларда янада долзарблашади. Бу хусусда вилоят электр тармоғи раҳбарияти билан учрашиб, уларда истеъмолчиларнинг дебиторлик қарзларини қоплашга қаратилган бирон-бир ҳаракат дастури ёки режаси бор-йўқлиги билан, иш рисоладагидек бўлиши учун аҳоли ва электр билан таъминловчи корхоналар нималар қилиши жоизлиги билан, вазиятни яхшилаш учун қандай чоралар кўриш зарурлиги билан қизиқдим.

Биласизми, шундан буён нақ ярим йил ўтди. Аммо саволларимга ҳанузга қадар жавоб олмадим. Ҳамонки, режа йўқ экан, тайинли натижа ҳам бўлмаслиги турган гап.

1-бетда

## ЎЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР

Президентнинг 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-1354-сон қарори билан қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган ерлардан ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмида ер участкаларини ажратиш ва тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қурилиши дастурини 2011-2012 йилларда амалга ошириш мақсадида, йилдан-йилга унинг ўсишини таъминлашни кўзда тутган ҳолда, республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги мақсадларига ва ўрмон фонди тоифасига кирмайдиган қўшимча ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

## МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАРДАГИ ИСЛОҲОТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 117-сон қарори билан Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳужжатда умумий типдаги давлат мактабгача таълим муассасаларида махсус гуруҳларни тугатиш, нутқи, эшитиши ва кўришида енгил нуқсонлар бўлган болалар бўлган тақдирда уларда дефектолог лавозимини жорий этиш; махсус мактабгача таълим муассасаларининг сонини, уларнинг ихтисослашуви ва жойлашувини қайта кўриб чиққан ҳолда, шунингдек жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлар бўлган болалар контингентидан келиб чиқиб, мақбуллаштириш назарда тутилган.

Белгиланишича, болаларни давлат махсус мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг ҳулосалари бўйича амалга оширилади. Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар, педагог ва тиббий ходимларига алоҳида меҳнат шaroитлари учун лавозим маошлари ва тариф ставкаларига 100% миқдорда қўшимча тўлов сақланиб қолади.

Давлат махсус мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги низом билан махсус мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва бошқариш тартиби, ўқув-тарбия ва даволаш-соғломлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқа масалалар тартибга солинган.

Махсус мактабгача муассасага нутқида, эшитишида, кўришида оғир нуқсонлар, таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган, психик ривожланишда орқада қолаётган ва нуқсонлари мураккаб бўлган мактабгача ёшдаги 2 – 7 ёшли болалар қабул қилинади.

## ЎҚИТУВЧИЛАР КОЭФФИЦИЕНТИ АНИҚЛАШТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 119-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» (2008 йил 1 августдаги 164-сон) қарорига ўзгартириш киритилди. Унга кўра кундузги ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг куйидаги чекланган нормативлари белгиланди: 2009/2010 ўқув йилидан бошлаб – 1:10,5 нисбатида, 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб эса – 1:12,5 нисбатида (бундан олдин 2009/2010 ўқув йилида – 1:12,5 нисбатида бўлган).

## ЎҚИШ УЧУН – ЯПОНИЯГА

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги «Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония ҳукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 120-сон қарори билан берилган 233 млн япон иенаси миқдоридagi грант ҳисобига Ўзбекистон вакилларининг Япония етакчи университетлари магистратурасида ўқишини ташкил этиш тўғрисидаги Япония ҳукуматининг таклифи қабул қилинди. Ўқиш учун номзодларни танлаб олиш Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония Халқаро ҳамкорлик

\*\*\*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2009 йил 29 октябрдаги 1082-1-сон қарори билан тасдиқланган.

«Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда» рукнини «Норма маслаҳатчи»нинг махсус муҳбири Юлия ЯШИНА олиб боради.

УШБУ СОНДА:	✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА – Минтақалардаги муаммолар 1-2-бетлар	✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз – Бозорлар комплексларга айланади – Валюталар курси 1-4-бетлар	✓ ЎҚИТУВЧИ УЧУН ҚўЛЛАНМА – Дарсларнинг баҳоси 5-6-бетлар
			✓ top 7-8-бетлар

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

маркази (JICE), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Японияда JICA лойиҳаси доирасида ўқиган ўзбекистонлик мутахассисларнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нострификация қилинишига ва уларнинг ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш; уларнинг меҳнат фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш топширилди.

## ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 июндаги 123-сон қарори билан Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасида хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан молиялаштирилган техник кўмаклашиш лойиҳалари/дастурларини (бундан кейин – лойиҳа/дастур) амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, унда лойиҳалар/дастурларни кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш, узайтириш, ўзгартириш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш, шунингдек бекор қилиш тартиби белгиланган.**

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари) ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари (ички донорлар, давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари) лойиҳалар/дастурларнинг ташаббус кўрсатувчилари бўлиши мумкин.

Лойиҳа/дастур хорижий, халқаро ташкилотлар ёки чет эл давлатлари томонидан молиялаштирилган тақдирда, ташаббус кўрсатувчи лойиҳа/дастурни амалга ошириш тўғрисидаги таклифни белгиланган тартибда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Лойиҳа/дастур ички донорлар, республиканинг давлат ташкилотлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан молиялаштирилган тақдирда, ташаббус кўрсатувчи таклифни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказига юборади.

## БЕНЗИННИНГ ЯНГИ НАРХЛАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 июндаги 129-сон қарори билан 2010 йил 1 июлдан бошлаб куйидаги чакана нархлар белгиланди:**

- Аи-80 русумли автобензин** – 1 литр учун **1 075 сўм**;
- Аи-91, А-92 ва А-93 русумли автобензин** – 1 литр учун **1 205 сўм**;
- Аи-95 русумли автобензин** – 1 литр учун **1 355 сўм**;
- дизель ёқилғиси** – 1 литр учун **1 075 сўм**;
- ЭКО дизель ёқилғиси** – 1 литр учун **1 125 сўм**.

Мазкур нархга жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлик учун олинандиган солиқ киритилмаганлигини эслатиб ўтамиз, унинг ставкаси 1 литр учун 145 сўмни ташкил қилади.

Шахсларнинг алоҳида тоифаси учун автобензин харид қилиш харажатларининг бир қисmini қоплаш бўйича ҳар ойлик пулли компенсация миқдори эса 21 500 сўмни ташкил қилади.

## ТАЪЛИМДАГИ УСТУВОРЛИКЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 1 июлдаги «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 131-сон қарори билан тажриба тарихида 2010/2011 ўқув йилидан бошлаб ривожланган ўқув-методик ва моддий-техник базага, юқори малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига эга бўлган етакчи касб-хунар коллежлари негизида олисдаги ихтисосли касб-хунар коллежларидан ташкил этиладиган филиаллари бўлган таянч касб-хунар коллежларини ташкил этиш қарори қабул қилинди.**

**Шунингдек 20 та касб-хунар коллежини қайта ихтисослаштириш, 3 та тиббиёт коллежини эса республика олий тиббий таълим муассасалари ҳузуридаги академик лицейларга айлантириш режалаштирилган. Яна 78 та тиббиёт коллежи мамлакатнинг олий тиббий таълим муассасаларига бириктирилади.**

2010/2011 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқланди.

Ҳужжат билан 2010 йил 1 сентябрдан бошлаб таянч касб-хунар коллежларининг директорлари, директорнинг ўқув, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосарлари, методистлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкасига филиаллар билан ишлаш бўйича кўшимча функцияларни бажарганлиги учун 20 фоиз миқдорида ойлик устама ва таянч касб-хунар коллежларининг ўқитувчилари томонидан филиалда ўқув-педагогик ишлар бажарилган тақдирда уларнинг базавий ставкаларига 20 фоиз миқдорида устама жорий қилинади.

\*\*\*

**Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 25 июнда 2117-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 5 – 9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

2010 йил 2 сентябрдан кучга киради.

## ТЕКШИРИШ КАФОЛАТЛАНАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 июлдаги 134-сон қарори билан Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.** Чунончи, текширилиши ва ҳисобга олиниши керак бўлган бахтсиз ҳодисаларга энди ходимлар билан фуқаро муҳофаази бўйича ўқув машғулотлари, кўнгилли ёнғин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, шунингдек террористик ҳаракатлар натижасида юз берган ҳодисалар ҳам киради. Иш берувчининг ёзма фармойиши билан вақтинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим билан бахтсиз ҳодиса юз берса бахтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади. Ҳужжат билан шунингдек бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

## ЁРДАМ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН ИМТИЁЗЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июлдаги 140-сон қарори билан белгиланишича, 2010 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотлари фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани улар томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ихтиёрий ҳайриялар қиймати-га камайтиришга ҳақлидир.** Унинг умумий суммаси 10,0 млрд сўмни ташкил этди. Ҳужжатга мувофиқ, Давлат солиқ кўмитаси Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзини олиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхатини, шунингдек уларнинг солиқ солинадиган базасини камайтириш миқдорларини аниқлаштиришлари керак.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

**Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 17 июнда 2112-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Ҳужжатда йиллик ва жорий кассали режалаштириш, давлат бюджети пул маблағларини бошқариш, шунингдек бюджетдан маблағ

олувчиларга харажатлар тўлови рухсатномаларини бериш масалалари тартибга солинган.

2010 йил 27 июндан кучга кирди.

## ҲУЖЖАТ МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Адлия вазирлиги ҳайъати мажлисининг баёни (АВ томонидан 2010 йил 18 июнда 1638-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан АВ ҳайъатининг «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартишлар киритилди.** Ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» қарори (2010 йил 2 июндаги 104-сон) билан мувофиқлаштирилди.

2010 йил 28 июндан кучга кирди.

## ПАСАЙТИРИЛГАН АМОРТИЗАЦИЯ МЕЪЁРИ – 3 ЙИЛГА

**Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банк бошқарувининг кўшма қарори (АВ томонидан 2010 йил 23 июнда 2114-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди.**

Президентнинг «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (2010 йил 6 апрелдаги ПК-1317-сон) биноан бундай корхоналарга, янги инвесторларга сотилгунга қадар, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш (пасайтирилган меъёр) ҳуқуқи берилган.

Хусусан, Вақтинчалик низомда белгиланишича, пасайтирилган меъёр пасайтирувчи коэффициентни асосий воситалар ва номоддий активларнинг аниқ номи бўйича ўрнатилган амортизация меъёрига кўпайтириш орқали аниқланади. Пасайтирувчи коэффициентни аниқлаш тартиби эса корхона раҳбарининг фармойишли ҳужжати (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) билан тасдиқланади.

2010 йил 3 июлдан кучга кирди.

## ЁҒГА ДОИР АКЦИЗ ҚАЙТА КЎРИЛДИ

**Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 23 июнда 2115-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан ўсимлик (пахта) озик-овқат ёғи учун (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ бундан мустасно) қатъий белгиланган акциз солиғи ставкаси қайта кўриб чиқилиб, 1 тоннаси учун 657 900 сўм миқдорида белгиланди (илгари 1 тоннаси учун 544 500 сўм эди).**

2010 йил 3 июлдан кучга кирди.

## САЛОМАТ БЎЛИНГ!

**Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 29 июнда 2118-сон билан рўйхатдан ўтказилди) билан Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

2010 йил 9 июлдан кучга кирди.

4-бетда

## Юридик маслаҳатлар

**?** Президентнинг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида (2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон) барча ихтисослашган ва буюм бозорларини, бундан ишлатилган мол-мулкни сотиш бозорлари мустасно, назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан жиҳозланган тургун савдо шохобчаларидан иборат бўлган савдо комплексларига айлантириш назарда тутилган.

Савдо комплексларининг мулк шакли, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти, шунингдек улар фаолиятини тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Бозор бошқаруви раиси в.б.

## БОЗОРЛАР КОМПЛЕКСЛАРГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари\* 2-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ, бозор – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган ҳамда савдо расталари, савдо ўринлари, тургун савдо шохобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскларидан фойдаланган ҳолда, эркин рақобат шароитларида истеъмол товарлари кенг ассортиментининг чакана ва майда улгуржи олди-сотдиси учун зарур шарт-шароитлар яратишга мўлжалланган мулкнинг объектлари).

Амалдаги қонун ҳужжатларида савдо комплексининг аниқ таърифи мавжуд эмас. Фақат Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари\*\* 3-бандининг бешинчи хатбошиси уни чакана савдонинг савдо-сотик объектларига киритади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидан, шунингдек юридик ва иқтисодий изоҳли луғатларда берилган таърифларнинг маъносидан келиб чиқилганда, савдо комплекси деганда товарларнинг универсал ассортиментини реализация қиладиган ва кенг қўламда хизматлар кўрсатадиган, шунингдек савдо фаолиятига хўжалик бобида хизмат кўрсатилиши марказлаштирувчи функцияларини амалга оширадиган савдо корхоналарининг мажмуи тушунилади. Марказлаштирувчи функциялар деганда муҳандислик таъминоти (электр воситасида ёритиш, иссиқлик ва сув таъминоти, канализация, алоқа воситалари), бинолар, иншоотлар ва ускуналарни таъмирлаш, ахлатни олиб кетиш, савдо объектларини қўриқлаш, хизматчиларнинг овқатланишини ташкил қилиш ва ҳоказоларни тушуниш керак.

Фикримизча, ихтисослашган ва буюм бозорларини назарда тутилган савдо комплексларига айлантириш уларни илгари мавжуд бўлган савдо расталари ва савдо жойлари ўрнига тургун савдо шохобчалари ўрнатилган павильонларга қайта жиҳозлашни аниқлаштириш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклни ёки юридик шахснинг мулк ҳуқуқини ўзгартиришни назарда тутмайди.

Савдо комплекслари фаолиятини: Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 28 июлдаги 330-сон);

Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари\*;

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари\*\*;

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом\*\*\*;

савдо соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солиди.

**Артём ОТСТАВНОВ,**  
**«Norma» МЧЖ**  
**эксперт-юристи.**

\*Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 330-сон қарорига илова.

\*\*Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган.

\*\*\*Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407-сон қарорига илова.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 15 июнда 1134-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1134, 2002 йил 2 май) киритилган ўзгартишларга мувофиқ, илгари божхона назорати остида қайта ишлаш режимига жойлаштирилган товарларни энди реэкспорт режимига олиб чиқиш мумкин эмас. 2010 йил 25 июндан кучга кирди.

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 28 июнда 1272-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис бўлиб энди фақат иқтисодиёт ёки юриспруденция соҳасидаги олий ёки ўрта махсус маълумотга, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият мутахассиси сифатида ташкилотларда камида 1 йиллик иш стажига эга бўлган шахс ишлай олади. Малака сертификатининг амал қилиш муддати эса мутахассис малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтгандагина узайтирилади. Мутахассис мажбуриятларига божхона органининг талабига биноан товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви учун божхона кўригидан ўтказиш пайтида иштирок этиш ҳам қўшилди. 2010 йил 8 июндан кучга кирди.

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 28 июнда 1271-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона брокери тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1271, 2003 йил 15 сентябрь) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, божхона брокери товарлар ва транспорт воситаларини божхонада расмийлаштириш билан боғлиқ операцияларни ўз номидан ҳамда унинг номидан ҳаракат қилаётган шахснинг топшириғига биноан ва унинг ҳисобидан амалга оширганда қуйидагиларга мажбурдир: божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни суғурта полиси, малака аттестати, ишга қабул қилганлик тўғрисидаги буйруқ нусхалари билан таъминлаш; божхона расмийлаштируви бўйича қўшимча мутахассислар штатга ҳисобга қўйилганлиги ва ишдан озод этилганлиги, раҳбарнинг ўзгарганлиги, юридик шахснинг ҳақиқатда жойлашган жойи (почта манзили) ва телефон-рақамлари ўзгарганлиги тўғрисида 3 иш куни давомида Давлат божхона кўмитасини хабардор қилиш; божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларни ҳисобга олиш картасини юритиш; уларнинг номидан ҳаракат қилаётган шахслар билан тузилган шартномалар журналини юритиш; фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тузишда Давлат божхона кўмитасига суғурта полисини тақдим этиш.

Ҳужжат билан белгиланишича, божхона брокери сифатида фаолият юритиш шартларини бузганлик учун юридик шахс Божхона кодексининг 171-моддасига мувофиқ ЭКИҲнинг 100 бараваридан 250 бараваригача миқдордаги жарима кўринишида жавобгарликка тортилади. 2010 йил 8 июндан кучга кирди.

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 6 июлда 820-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар бозорида манипу-

ляция қилишларнинг олдини олиш қоидаларига (рўйхат рақами 820, 1999 йил 21 сентябрь) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, қимматли қоғозлар билан битимларни миқозлар топшириғига биноан амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозори иштирокчиси миқоз томонидан репо битимлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслик ёки ўз вақтида бажарилмаслик ҳоллари ҳақида 2 иш куни мобайнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишчи ваколатли давлат органини хабардор қилиши шарт. Иштирокчиларга эса репо битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажармасликлари ёки уларни бажариш муддатларини бузишлари тақиқланади. 2010 йил 16 июндан кучга кирди.

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 8 июлда 1396-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1396, 2004 йил 6 август) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, репо битишувларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан қимматли қоғозлар муддати, нархи, миқдори, мукофот ставкаси ва бошқа шартлар, фақатгина қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатга олинганидан кейингина кучга кириши аниқлаштирилган. Репо битишуви бўйича мукофот ставкаси эса бир йил ҳисобида ўтказилган савдолар яқунлари бўйича аниқланади ва қимматли қоғозлар бозори ташкилотчиси рўйхатдан ўтказган репо битишувида кўрсатилади. 2010 йил 18 июндан кучга кирди.

Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 8 июлда 2037-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2037, 2009 йил 5 ноябрь) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ ташкилот қуйидаги ҳолларда миқозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни рад этиши шарт: миқоз – жисмоний шахс ўзининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи (паспорт маълумотларига мувофиқ) бўйича мавжуд бўлмаганда; шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилот томонидан сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда. Ички назорат вазифаларига эса операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қонунга хилоф иш қилиш, хусусан, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун ташкилот хизматларидан фойдаланиш таҳдидининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш киритилган. Масъул шахс энди миқозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган барча гайриоддий йирик миқдордаги операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиши керак. 2010 йил 18 июндан кучга кирди.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	15.07.2010	1	0,8037	1	1,025	1	0,062
Арманистон	15.07.2010	1	364,44	1	466,12	1	11,94
Беларусь	16.07.2010	1	2996	1	3812,41	1	98,03
Грузия	15.07.2010	1	1,836	1	2,3356	1	6,012
Қозғистон	16.07.2010	1	147,57	1	188,71	1	4,83
Қирғизистон	16.07.2010	1	46,9617	1	59,2519	1	1,5184
Латвия	16.07.2010	1	0,551	1	0,702804	1	0,018
Литва	16.07.2010	1	2,7113	1	3,4528	10	8,8699
Молдова	15.07.2010	1	12,6482	1	16,0859	1	0,4139
Тожикистон	15.07.2010	1	4,3823	1	5,6114	10	1,4574
Ўзбекистон	13.07.2010	1	1600,58	1	2016,99	1	51,97
Украина	15.07.2010	100	790,17	100	1003,753	10	2,5874
Эстония	15.07.2010	1	12,2349	1	15,6466	1	0,400691

Манба: www.prime-tass.ru

# ДАРСЛАРНИНГ БАҲОСИ

**?** *Хуқуқий саводимизни ошириш учун газетангизни мунтазам ўқиб борамиз, ундан жуда кўп маълумотларни оламиз. Кейинги йилларда халқ таълими ходимларига ҳақ тўлашни тартибга солиш ва улар меҳнатини рағбатлантириш бўйича жуда кўп ҳужжатлар қабул қилинди. Шунин билан бизни қизиқтираётган саволларга жавоб беришингизни сўраймиз.*

*Умумтаълим мактабларида ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг тартиби ва механизми қандай?*

*Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг тарификацияси қандай:*

*биринчи, иккинчи ва олий тоифа мутахассислари меҳнатига;*

*синфга раҳбарлик қилганлик учун;*

*педагогика соатлари учун;*

*ўқув соатлари учун;*

*бошқалар ўрнига дарс берганлик учун қандай ҳақ тўланади?*

*Ўқитувчиларга устамалар тўлаш қандай амалга оширилади (миқдори, тартиби ва механизми)?*

**А.Абдушукуров.**

— 2006 йил 1 январдан бошлаб Президентнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ-227-сон) билан халқ таълими муассасалари педагоглари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилган. У ходимларнинг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашни назарда тутаяди, ўқитувчиларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати учун базавий ставкаларга устама ҳақ, шунингдек ушбу муассасаларнинг ходимларига бир марта бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун директор жамғармаси<sup>1</sup> ташкил этилди.

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга<sup>2</sup> (бундан кейин — *Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом*) мувофиқ халқ таълими ходимларининг **лавозим маошлари:**

халқ таълими муассасаларининг педагог ходимлари ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланган **базавий тариф ставкалари асосида шакллантирилади.** Базавий ставка тариф ставкасини ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тариф ставкасига доимий устамаларни, шунингдек педагог ва раҳбар ходимларнинг айрим тоифалари иш ҳақига қўшилган компенсация тўловларини ўз ичига олади;



ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган **устамалар ва қўшимча тўловлар** асосида шакллантирилади.

Халқ таълими педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари ходимнинг лавозимига ва малака тоифасига ҳамда халқ таълими муассасасининг типига боғлиқ равишда табақалаштирилади.

Халқ таълими ходимларининг касбий ўсишини рағбатлантириш учун қуйидаги малака тоифалари ва ушбу малакаларни олиш учун ходимларнинг маълумот даражасига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади:

ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажарилаётган лавозим вазифаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган, **тоифаси бўлмаган ходим;**

бакалавр даражасига ёки олий маълумотга<sup>3</sup> эга бўлган **мутахассис;**

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумотга<sup>3</sup> эга бўлган **иккинчи тоифали мутахассис,** шунингдек, фавқулодда ҳолларда, ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган ходимлар;

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумотга<sup>3</sup> эга бўлган **биринчи тоифали мутахассис;**

бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумотга<sup>3</sup> эга бўлган **олий тоифали мутахассис.**

<sup>1</sup>Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига 4-илова).

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига 3-илова.

<sup>3</sup>Олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот назарда тутилмоқда.

Малака тоифалари бериш Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомга<sup>4</sup> мувофиқ амалга оширилади. Раҳбар ходимлар 3 йилда бир марта, педагог кадрлар эса — 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказилади.

## ЎҚИТУВЧИЛАР МЕХНАТИНИ НОРМАЛАШТИРИШ

Педагог ходимлар меҳнати нормалаштириш йиллик, чораклик ва ойлик иш режаларига асосланган (*Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 15-банди*). Йиллик иш режаси ўқув, тарбиявий ва ташкилий тусдаги асосий тадбирларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти сарфи кўрсатилган ҳолда уларнинг рўйхатини ўз ичига олади. Ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси чораклар ва ойлар бўйича тақсимланган бир йилдаги **1 548 соат** миқдоридagi иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади. Педагогик мутахассисликлар бўйича намунавий йиллик иш режаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Иш режаси ҳар бир педагог ходим учун яқка тартибда белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин халқ таълими муассасаси маъмурияти томонидан тасдиқланади. Ўқитувчи ўқув юклавасининг белгиланган нормативларига тузатиш киритиш ҳажми Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий режадагига нисбатан камайтириш ёки кўпайтириш томонга **10 фоиздан** ортиқ бўлмаслиги керак.

Алоҳида ҳолларда мактабларда ходимнинг розилиги билан касблар (лавозимлар)ни **бирга қўшиб олиб боришга**, шунингдек ўзининг асосий иши билан биргаликда **ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга** йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бориш бўйича иш вақтининг жами давом этиши йил мобайнида **774 соатдан** ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир педагог иш режаси бажарилиши тўғрисида педагогик кенгашда ёки халқ таълими муассасасини бошқаришнинг бошқа коллегиал органида ярим йилда камида бир марта ҳисобот беради.

## ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ТАРИФ СТАВКАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» қарорига (*2005 йил 21 декабрдаги 275-сон*) 1-иловада халқ таълими муассасалари **педагог ходимларининг** меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларининг миқдорлари келтирилган.

*Чунончи, юқори синфлар ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси олий маълумотли ўқитувчи учун 48 276 сўмни ва олий малака тоифасига эга ўқитувчи учун 60 851 сўмни ташкил этади. Биринчи малака тоифасига эга бошланғич синфлар ўқитувчиси учун тариф ставкаси 62 304 сўмни, иккинчи малака тоифасига эга ўқитувчи учун 58 344 сўмни ташкил қилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айtilган 275-сон қарорига 2-иловада халқ таълими муассасалари раҳбарларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари келтирилган.

Ўқувчилар (тарбияланувчилар) контингенти сонига боғлиқ ҳолда барча мактаблар тўрт гуруҳга бўлинади: I гуруҳ — 1 601 нафар ва ундан кўп ўқувчи; II гуруҳ — 881–1 600; III гуруҳ — 401–880 ва IV гуруҳ — 400 нафаргача.

*I гуруҳ мактаби директорининг базавий тариф ставкаси 90 387 сўмни, II гуруҳда — 85 446, III гуруҳда — 80 580, IV гуруҳда 75 467 сўмни ташкил қилади.*



## УСТАМА ВА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР

Ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ва юксак касбий ва ҳалол меҳнати рағбатлантириш, ташаббускорлиги ва касб маҳоратини ўстириш мақсадида умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан тўланадиган қуйидаги:

**ўқувчилар билан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилишининг юксак даражаси учун** тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг **15 фоизгача** миқдорда;

**касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун** тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг **25 фоизгача** миқдорда **ҳар ойлик устамалар** белгиланади (*Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 9-банди*).

Ходимларга ҳар ойлик устамалар белгилаш, бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорни мактаблар ҳузуридаги махсус комиссиялар қабул қилади. Улар очиқ муҳокамадан кейин ва мактабнинг педагогик кенгаши ҳамда ота-оналар қўмитаси фикрларини ҳисобга олган ҳолда директор жамғармаси маблағлари доирасида қабул қилинади. Махсус комиссиянинг мажлислари одатда ярим йилда бир марта, февралда ҳолларда эса — заруратга қараб ўтказилади. Аввалги ўқув даври (чорак, ярим йиллик ва ҳоказо) учун ўқитувчиларнинг ишини баҳолаш яқунлари бўйича ва айрим ўқитувчилар иш сифатининг аниқланган ўзгаришлари асосида комиссия белгиланган устамаларни қайта кўриш ёки бекор қилишга ҳақлидир.

Синф ишининг муайян кўрсаткичларига эришган бошланғич синфлар ўқитувчиларига ҳамда дарс бераётган фанлари бўйича муайян кўрсаткичларга эришган фан ўқитувчиларига маҳоратлари ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссалари, таълим беришдаги юқори натижадорлик ва сифат учун ойлик устама белгиланади.

Директор жамғармасидан тўланадиган устамаларнинг аниқ миқдорлари Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомда<sup>5</sup> назарда тутилган тартибда белгиланади. **Тарбиявий ва синфдан ташқари иш ҳамда ёш авлодни тарбиялашга қўшган аниқ шахсий ҳиссалари учун** ўқитувчиларга устамалар белгилашда махсус комиссиялар ушбу ҳужжатда белгиланган мезонлардан келиб чиқадилар. Тарбиявий ва синфдан ташқари иш бал-

<sup>4</sup>МАИМКВ, ХТВ ва ВМ ҳузуридаги ДТМнинг АВ томонидан 2006 йил 18 январда 1540-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>5</sup>ХТВ, МАИМКВ ва ВМ ҳузуридаги ДТМнинг АВ томонидан 2006 йил 3 январда 1534-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ларда баҳоланади. Унинг ҳар бири **10 баллдан 15 баллга қадар** баҳоланадиган 8 мезони назарда тутилган. Энг юқори балл – 100.

*Чунончи, педагогик маҳоратни ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича синфдан ташқари машғулотларни ўтказиш даражасининг энг юқори баҳоси 15 баллга тенг. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва сифати учун ўқитувчи энг кўпи билан 10 балл олиши мумкин. Ўқувчиларни меҳнат асосида, экологик ва эстетик тарбиялаш иши учун энг кўпи билан 15 балл олиши мумкин ва ҳоказо.*

85 балл ва ундан кўп балл тўплаган ўқитувчига у ўтказётган тарбиявий ва синфдан ташқари иш учун базавий тариф ставкасининг 15 фоизи миқдоридан устама белгила-ниши мумкин. 70 баллдан 84 баллгача тўплаган ўқитувчига эса – базавий ставканинг 10 фоизи.

Ўқитувчи маҳоратининг санаб ўтилган мезонларга муво-фиқлиги ижобий баҳоланганда, унинг ўқувчилари билим-лари, маҳорат ва кўникмаларининг аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари (УЎТДТС)га мувофиқлиги даражасига қараб қуйидагича устама белгиланади (ўқувчилар билимла-рини баҳолаш тизимидан қатъи назар):

<i>УЎТДТС талаблари билан таққослаганда ўқитувчи таълим бераётган ўқувчиларнинг билимлар, маҳорат ва кўникмаларни ўзлаштириш самарадорлиги</i>	<i>Устама миқдори</i>
бошланғич синфлар учун камида 90% ва катта синфлар учун 85%	25%
бошланғич синфлар учун камида 85% ва катта синфлар учун 80%	20%
бошланғич синфлар учун камида 80% ва катта синфлар учун 76%	15%

Шунингдек ўқитувчиларга бошқа ҳар ойлик қўшимча ҳақлар назарда тутилган:

Синфдаги (синф-комплектдаги) ўқувчилар сони 15 нафаргача бўлган кам комплектланган мактабларда	Синф раҳбарлиги учун – ЭКИХнинг 50%; Дафтарларни текширганлик учун – ЭКИХнинг 25%	490-сон ВМКга 1-илованинг 4-банди
ўрта ўқув юртлари ўқитувчиларига (хунар-техника ўқув юртларининг умумтаълим предметлари ўқитувчиларидан ташқари)	ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлиги, цикл, предмет ва услубий комиссияларга раҳбарлиги учун – ЭКИХнинг 15%	490-сон ВМКга 1-илованинг 6-банди
директор лавозими назарда тутилмайдиган мактабларда мактабга (синфларга) раҳбарлик учун ўқитувчилардан бирига	бошланғич мактабларда ўқувчилар: 160 нафаргача бўлганда ЭКИХнинг 15%; 161 дан 240 нафаргача бўлганда – ЭКИХнинг 20%; кечки (навбатли) мактабларда ва кундузги умумий таълим мактаблари ҳузуридаги ўқиш кундузги-сиртқи шаклда бўлган синфларда ўқувчилар сони: 60 нафаргача бўлса – ЭКИХнинг 15%; 61 дан 80 нафаргача (шаҳарларда ва ишчилар шаҳарчаларида 100 тагача) бўлса – ЭКИХнинг 20%; ўқувчилар сони 50 нафаргача бўлган етти йиллик мусиқа мактабларида ва бадий мактабларда – ЭКИХнинг 15%	490-сон ВМКга 1-илованинг 15-банди
ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозими белгиланмаган етти йиллик мусиқа мактабларида ва бадий мактабларда ўқув ишларига раҳбарлик қилувчи ўқитувчига	ўқувчилар сони 150 тадан 200 тагача бўлса – ЭКИХнинг 15%	490-сон ВМКга 1-илованинг 16-банди
умумтаълим мактаби директорининг (директор лавозими назарда тутилмаганда – бошланғич синфлар ўқитувчисининг) лавозим маошига мактаб ҳузуридаги интернатга мудирлик қилганлиги учун лавозим маошига қўшимча ҳақ	тарбияланувчилари сони: 20 нафаргача бўлса – ЭКИХнинг 10%; 21 дан 40 нафаргача – ЭКИХнинг 15%; 41 дан 75 нафаргача – ЭКИХнинг 20%; 76 дан 120 нафаргача – ЭКИХнинг 25%	490-сон ВМКга 1-илованинг 17-банди

Бунда ўқитувчига берилган малака тоифаси маҳорат ва ўқув жараёнига аниқ шахсий ҳисса, таълимнинг юқори натижадорлиги ва сифати учун устама белгилашга асос бўлиб ҳисобланмайди.

Умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимларига ва соатбай ҳақ тўланадиган ўқитувчиларга бундай ҳар ойлик устамалар белгиланмайди (*соатбай меҳнат ҳақи тўланадиган ходимлар тўғрисида қуйида сўз юритилади*).

Директор жамғармасидан ҳар ойлик устамалар ҳар бир ўқув йилига, аввалги йилги иш якунлари бўйича белгилана-ди ва ҳар бир ўқув ярим йиллигининг якунлари бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Бундан ташқари, базавий тариф ставкасига қўшимча ҳақларнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

**синф раҳбарлиги учун** – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

**дафтарлар ва ёзма ишлар мунтазам равишда текшири-лиши учун** – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи (*Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 10-банди*).

Улар ушбу қўшимча ҳақларни молиялаштириш учун махсус ажратиладиган бюджет маблағларидан тўланади.

Ходимдан қўшимча педагогик малакани талаб этадиган меҳнатнинг алоҳида шароитларида ишлаганлик учун устамалар ҳам назарда тутилган бўлиб, ушбу лавозимлар рўйхати ва устамалар миқдори Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таъ-лими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга со-лиш тўғрисида» қарорига (1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон, бун-дан кейин – 490-сон ВМК) 2-иловада келтирилган. Чунончи, таълим-тарбия жараёни билан бевосита шуғулланувчи, жис-моний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ўсмирлар мактаблари раҳбар ходимларининг ставкалари ҳамда лавозим маошларига 50 фоизли қўшимча тўловлар амалга оширилади. **Фан доктори ёки фан номзоди илмий да-ражасига эга бўлган педагог** ва раҳбар ходимларига қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли равишда **70 ва 45 фоизи** миқдоридан белгиланади.

кутубхоначилар ёки мактабларнинг бошқа ходимларига барча тур ва номдаги мактабларда дарсликларнинг нусхалари миқдорига қараб дарсликларнинг кутубхона фонди билан шуғулланганликлари учун	ЭКИХнинг 10%идан 30%игача	490-сон ВМКга 1-илованинг 23-банди
«Хизмат кўрсатган спорт устаси» фахрий унвонига эга бўлган шахсларга	ЭКИХнинг 20%и	490-сон ВМКга 1-илованинг 26-банди

### БИР МАРТАЛИК МУКОФОТЛАР

Директор жамғармасидан умумтаълим муассасаларининг ходимларига **бир марталик мукофотлар** ҳам тўланади ва **моддий ёрдам кўрсатилади** (фавқулодда ҳолларда). Ўзини кўрсатган ходимларни бир марталик мукофотлаш умумтаълим муассасасини ривожлантиришга шахсан ҳисса қўшганлари ва унинг фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлари учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Фавқулодда ҳолларда ходимларга уларнинг мурожаатлари ёки мактаб касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббусига кўра моддий ёрдам кўрсатилади (яқин қариндошларнинг вафоти, оғир шикастланишлар, оғир касалликлар, табиий офатларнинг оқибатлари ва ҳоказо ҳолларда).

### МЕХНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТўЛАШНИНГ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 12-бандига мувофиқ педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш: кетма-кет икки ойдан ортиқ бўлмаган даврда касаллик ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишлаб берилган соатлар учун ҳақ тўлашда;

бошқа муассасалардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг, шу жумладан ўриндошлик

бўйича бошқа мактаблардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва мутахассисларнинг педагогик иши учун ҳақ тўлашда;

ўрнини босиш тартибида умумтаълим муассасалари раҳбарлари томонидан ўтилган ўқув соатлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

Халқ таълими муассасаларининг раҳбар ходимларига асосий лавозимни ҳафтада **10 соатга қадар** миқдорда ўқитувчи лавозимини қўшиб олиб боришга (ўқув юкламасини юритишга) рухсат берилади.


Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун **соатбай ҳақ тўлаш миқдорларига**<sup>6</sup> мувофиқ юқори малака тоифасига эга бўлган бошланғич синф ўқитувчиси ишининг академик соати **3 109,8 сўм**, биринчи малака тоифасида — **2 931,3 сўм**, иккинчи малака тоифасида эса **2 745 сўм** тўлади. Юқори малака тоифасига эга бўлган умумтаълим мактаблари катта синфлари ўқитувчисининг дарсига эса **2 576,6 сўм**, биринчи малака тоифасида — **2 336,7 сўм**, иккинчи малака тоифасида эса **2 188,5 сўм** тўланади.

Президентнинг қарорларига мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдори ўзгартирилганда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари ҳар гал қайта кўриб чиқирилиши керак.

**Мария ТУХТАРОВА,**  
«Norma» МЧЖ юристи.

<sup>6</sup>ОЎМТВ, ХТВ ва МАИМКВнинг АВ томонидан 2010 йил 17 майда 2103-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.





# ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 27 (260) 2010 йил 20 июль



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган


Тошкентдаги  
омбордан сотилади

Тўлов – исталган  
шаклда




Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ



TUV  
CERT  
EN ISO 9001

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (хўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



166-10

H512

Расмий дилер: «Sanar» хусусий корхонаси www.sanar.uz  
Манзил: Тошкент ш., Х.Умаров кўч. (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик халқа йўли)  
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 июндаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
«ISHONCH-SAVDO-NUR» МЧЖ	300834243	10-1015/9628-т
«ELATUS GROUP» МЧЖ	300966736	10-1015/9629-т
«REMEDIUM» МЧЖ	204851610	10-1015/9630-т
«ALEKS PARK'S GROUP» МЧЖ	301097962	10-1015/9631-т
«MOXIR NILYUFAR» ХК	300616632	10-1015/9632-т
«BUSINESS MASTER BROK» МЧЖ	300066764	10-1015/9633-т
«SHAFIQ PRIZMA» МЧЖ	206708832	10-1015/9634-т

Мазкур корхоналарнинг Низоми, таъсис ҳужжатлари, гувоҳномалари, махсус лицензиялари ва бошқа бирламчи ҳужжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани Ҳокимияти биноси, 32-34-хонада қабул қилинади.

Навоий вилояти хўжалик судининг 2010 йил 23 июндаги 21-1007/5520-сонли ҳал қилув қарорига асосан Навоий вилоятидаги «Джасмина-инфом-плюс» МЧЖ (СТИР 301040725) иқтисодий ночор (банкрот) деб эълон қилинган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ш.Норова тайинланган. Кредиторлар эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой давомида ўз талабларини қарздорга тақдим этишга ҳақли. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 23 июль кuni соат 15.00 да Навоий шаҳар ДСИ биносида (Ғалаба кўчаси, 151-уй) 20-хонада ўтказилади. Тел.: (8436) 2244991, 2247533. Мазкур корхонанинг белгиланган тартибда топширилмаган муҳр ва бурчак тамгалари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

**ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА**

QUVVAT® ишлаб чиқаради

Узбекистон бозорида 12 йил

ЭЛЕКТРОН СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР  
ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР  
SUMMATOR-3

Ангрен ш. +(99870) 662 44 77, +(99893) 182 46 57, Тошкент ш. +(99898) 300 22 67  
E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

## ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

## НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги дренаж учун ГНОМ туридаги К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли ЦМК туридаги фекаль «Андижанец» насоси

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда  
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собиқ МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал – «Ғунча» кинотеатри, «Тинчлик» м.б.)



Тўлов – исталган шаклда  
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

POLIGRAF MEDIA

ЭЪТИБОРГА МОЛИК СИФАТ

- БЛАНКАЛАР
- БАНДЕРОЛЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР
- БУХГАЛТЕРИЯ ВА КАНЦЕЛЯРИЯ
- КИТОБЛАРИ

Хизматлар лицензияланган  
Тел.: 150-0090, 905-0090

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 22 июндаги 10-1005/9510-сонли қарорига асосан Ҳамза туманидаги «INVESTSTROY CITY LTD» ҚК (СТИР 203801847) тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг Низоми, таъсис ҳужжатлари, гувоҳномалари, махсус лицензиялари ва бошқа бирламчи ҳужжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхона дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 25 июндаги 10-1019/10355-сонли ажримига асосан Бектемир туман ДСИ рўйхатидан ўтган «Koin Trans» МЧЖ (СТИР 205120009) бўйича банкротлик иши қўзғатилган ва кузатув жараёни қўлланилган. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 22 июль соат 11.00 да ўтказилади. Банкротлик иши 2010 йил 26 июль кuni соат 14.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биноси-нинг 1-сонли залида (судья М.К.Астанов томонидан) кўрилади. Корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак шаклидаги штамплар бекор қилинади. Ушбу корхона кредиторлари Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, Бектемир туман ДСИ биноси, 208-хонага мурожаат қилишлари мумкин. Корхона кредиторларининг барча эътироз ва даъволар эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Бектемир туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел.: 295-08-18, +99897-470-70-77.

«ФОРД ГАЗЕЛ» ХК (СТИР 205911234) 2005 йил 19 декабрда Олмалик шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан рўйхатдан ўтган, 2010 йил 11 июндаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., Ипак Йўли кўчаси, 40-уй, 7-хона. Тел. +99893-616-55-15.

«ЕДГОРХОН» ХК (СТИР 200601970) 1995 йил 17 апрелда Олмалик шаҳар ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган, 2010 йил 24 июндаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалик ш., А.Темур кўчаси, 18а-уй. Тел. +99893-172-28-77. Мазкур корхоналар бўйича тугатиш жараёни бошланган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 28 июндаги 11-1006/14591-сонли ажримига асосан Олмалик шаҳар ДСИдан рўйхатдан ўтган «ДДВ» КТИЧФТни (СТИР 202577335) банкрот деб эътироф этиш бўйича иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар белгиланган муддатларда Олмалик шаҳар ДСИ биноси, 22-хонада қабул қилинади. Тел.: 61-3-00-42, 61-3-35-98, 61-3-88-46.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 1 июлдаги 10-1015/11042-сонли, 10-1015/11043-сонли ҳамда 2010 йил 6 июлдаги 10-1015/11156-сонли ажримларига асосан Ҳамза туманидаги «GOLD KONSTRUKTION MATERIALS» МЧЖ, «TENHO ALOQA» МЧЖ, «CENTRAL ASIA AGRO EXPORT» МЧЖ ва «GRATIS OPTIMA BIZNES» МЧЖ бўйича кузатув жорий этилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ҳамза туман ДСИ ходими А.Усмонов тайинланган. Мазкур корхоналарга дахлдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар кредиторлар йиғилишида қатнашишлари мумкин. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 19 июль кuni соат 14.00 да ўтказилиши белгиланган. Ушбу корхоналар иши юзасидан суд муҳокамаси 2010 йил 20 июль кuni соат 14.30 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биноси-нинг суд залида кўрилади. Тел.: 289-58-35, 289-46-66.

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,  
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

### "AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ  
САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

### "NAZORAT-AUDIT" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

#### Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари

Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat\_audit@mail.ru  
8-371-2794716, +99897 402-05-00  
+99899 258-57-97, +99897 340-98-62  
8-371-2794401

### "Аудит-ВАРН" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

#### Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида, БҲМС ва МҲС бўйича ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,  
уяли: +998971192248  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
Тошкент вил., тел. +998974541664

### ЭЪЛОНЛАР

#### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Ҳўжалик, жинойят ишлари. Адвокатлик фирмаси.\*

Тел.: (+99897) 330-45-71,  
(+99897) 100-47-33.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.\* Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.\*  
Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

\*Хизматлар лицензияланган.

### ЭЪЛОНЛАР

#### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.\*  
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

#### БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш.  
Тел. 100-65-80.

#### ХИЗМАТЛАР

Видео-, фотосуратга олиш.\*  
Тел. (+99897) 709-20-17.

Шайхонтохур туман ДСИ томонидан хусусий тадбиркор Аскарходжаев Алишер Рихсиллаевичга 22.04.2004 йилда берилган, 5805 рақам билан рўйхатдан ўтган бухгалтерия китоби йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

### Рўйхатлар

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 7 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб топилган ҳамда тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТУТ (ОКПО)	Қарор рақами
"LEGERO" МЧЖ	204039535	15.12.03 03-000318	18523655	10-1013/9202
"HABY PERFECT" МЧЖ	300655252	26.12.07 002943-03	22217591	10-1013/9203
"ALSSES-TISON" МЧЖ	300601485	26.10.07 002835-03	22103893	10-1013/9206
"PELIKAN TRAVEL" МЧЖ	205794966	01.02.06 001093-03	20349207	10-1013/9207

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Т.Муртазоев тайинланган. Корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 28 июлда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 28 июндаги 11-1006/14588(19)-сонли ажримига асосан Чирчиқ шаҳридаги "ABSOLYUT MONTAJ KURILISH" МЧЖ (СТИР 300221476; юридик манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Ботаника кўчаси, 4-уй, 77-хона) банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни жорий қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими А.Шамсиев (индекс: 111700, тел. 150-49-41) тайинланган. Кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик суди биносида эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Ушбу корхонанинг бурчак штамплари ва думалоқ муҳри олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 24 июндаги 11-1006/13078-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ўртачирчиқ туманидаги "Алишер Хусниддин" ХФ, 2010 йил 30 июндаги 11-1006/11686(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Усмон Фахр" ФХ ҳамда 11-1006/11685(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Тонг" ФХ банкрот деб тан олинган ва тугатишга доир иш бошланган. Ушбу корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Ўртачирчиқ туман ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган. Корхоналарнинг белгиланган тартибга кўра топширилмаган думалоқ муҳрлари ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар талаблари ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтеле шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 88-уй, Ўртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 1 июндаги 10-0916/7844-сонли ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманидаги "STAR GENIUS" ХК, 10-0916/7845-сонли ҳал қилув қарорига асосан "MANGU IJOD RIVOJ" МЧЖ ҳамда 10-0916/7846-сонли ҳал қилув қарорига асосан "DREAM BUSINESS" ХК банкрот деб эълон қилинган. Тугатиш бошқарувчилари этиб Сергели туман ДСИ ходимлари М.Эшназаров ва М.Ахмурзаева тайинланган. Корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 6-хона. Тел.: 257-77-70, 257-74-51.

### Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорига асосан Шайхонтохур туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами	Юридик манзили	Қарор рақами
"BARAKA SAVDO UYI" МЧЖ	200627186	29.09.2003 1276	Бешёғоч, 6а	10-1007/7464-т
"VOJIB" МЧЖ	200893830	28.09.2007 2050-09	Махтумқули, 2	10-1007/7470-т
"BOZIGAR-BIZNES" МЧЖ	204713623	07.11.2003 000027-09	Охунбобоев, 2-уй, 26-27-х.	10-1007/7423-т
"AMIR-SHOX-LNK" МЧЖ	206116596	16.02.2006 1114-09	Э.Жува бозори, (Мустаҳкам ХК)	10-1007/7471-т
"KAPITAL TRAST INVEST" МЧЖ	206920910	19.06.2007 1956-09	Марказ-14, 19	10-1007/7468-т
"LA ALIANZA-TEXTILE"	300817739	25.04.2008 002546-09	А.Қодирий кўч., 76	10-1007/7477-т
"EXPRESS TRAVEL"	300910164	13.08.2008 002790-09	Марказ-14, 7	10-1007/7474-т
"SEPELIN BIZNES SERVIS" МЧЖ	205995731	19.02.2007 001074-09	Оқ тепа, 2-19	10-1007/7466-т
"OSIYO GRAND SERVIS" МЧЖ	206609931	20.06.2006 001269-09	Чорсу, 5, 22/24	10-1007/7462-т
"NEC PLUS ULTRA" МЧЖ	206964168	11.06.2008 2677-09	Бешёғоч, 6-184	10-1007/7472-т
"POLITIMET-KONSTRUKSIYA"	300009248	22.09.2006 001496-09	Бешёғоч, 13-12	10-1007/7476-т
"ROSTASHMAXSUS"	300340369	12.03.2007 001765-09	Навий кўч., 16	10-1007/7473-т
"NEFTEGAZ SAVDO-PREMIUM" МЧЖ	300490285	01.08.2007 001959-09	Қоратоп, 19-4	10-1007/7467-т
"YUNIVER TEXNO SERVIS" МЧЖ	206965142	20.06.2008 002693-09	Гулбод кўч., А2 корпус	10-1007/7469-т
"TASHINTERSTROY"	300872394	24.06.2008 002710-09	Ибн Сино-2, 9-139	10-1007/7464-т
"FAYZDIL SAVDO SERVIS"	301029934	16.01.2009 003059-09	Анхор бўйи кўч., 18	10-1007/7463-т
"ЛИЗИНГ СТРОИТЕЛ АСК"	200933788	03.06.2003 1006	Навий кўч., 44	10-0405/6465
"ASKO-HAMRON SUG'URTA" КОМП.	203745988	15.11.2001 694	Гулбод кўч., 12-13	10-0405/6473
"IXLOS" АФ АОЗТ	203774533	23.08.2001 678	Абай кўч., 6	10-0817/5759-т

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтохур тумани ҳокимияти биносининг 2-қаватидаги "Тадбиркорларни рўйхатга олиш" хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 25 июндаги 11-1006/13097-сонли ажримига асосан Зангиота туманидаги "GOOD EXAMPLE" МЧЖ (СТИР 300793335), 11-1006/13098-сонли ажримига асосан "HALQ TRANS SERTVIS" МЧЖ (СТИР 205419077) ҳамда 11-1006/13099-сонли ажримига асосан "CLACSON SERVIS" МЧЖ (СТИР 205419077) соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Зангиота туман ДСИ ходими Ш.Л. типовой тайинланган. Ушбу корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари ҳамда бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор бўлган шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Зангиота тумани, Эшонгузар Қ.Ф.Й., Охунбобоев кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси. Тел. 270-70-31.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

### НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Норма" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "ТОПРИНТ" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс - 186 Буюртма 645 Адали 4325. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2010 йил 16 июлда соат 21.30 да топширилади.  
ISSN 2010-5223